# ВАТАНПАРВАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ**

● 2002 йил, 10 январь, пайшанба № 5 (1581).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

**ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

● Четверг, 10 января, 2002 г. № 5 (1581).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 январь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игорь Ивановни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, мазкур учрашув бутун дунёда вазият кескин ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда минтақамиздаги жараёнларнинг ривожини муҳокама қилиш учун қулай имконият яратганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия бир-бирини стратегик ҳамкор ҳисоблайдиган давлатлардир. Президент Ислом Каримовнинг ўтган йилнинг май ойида Россияга буюрган давлат ташрифидан сўнг ўзаро муносабатларимиз янгича мазмун касб эта бошлади. Мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда халқаро терроризмга, экстремизм ва наркотиклар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашни кучайтирмоқда. Мазкур иллатларга қарши Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида курашиш борасида ҳам минтақавий ҳамкорлик фаоллик билан ривожланмоқда.

Ўзбекистон билан Россиянинг ҳамкорлиги иқтисодий соҳада ҳам кенгайиб боряпти. 2001 йилнинг январь—ноябрь ойларида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 15 фоиз ўсиб, 1 миллиард 28,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Айни пайтда томонлар бу кўрсаткич миқдорини ошириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, шунингдек, икки мамлакатнинг авиасозлик корхоналари қувватидан шериклик асосида кенг фойдаланишга эътиборни янада кучайтириш масалалари борасида ишламоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг бориши, икки мамлакат ўртасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## Подписаны документы

Министр иностранных дел России Игорь Иванов 9 января прибыл в нашу страну с двухдневным официальным визитом. Гость встретился с Президентом Узбекистана Исламом Каримовым и министром иностранных дел Абдулазизом Комиловым и провел переговоры по вопросам региональной безопасности, двусторонних отношений.

В тот же день были подписаны Программа сотрудничества между министерствами иностранных дел Республики Узбекистан и Российской Федерации на 2002 год, а также Соглашение о сотрудничестве между Университетом мировой экономики и дипломатии Узбекистана и Московским государственным институтом международных отношений (Университет). Документы подписали А. Комилов и И. Иванов.

Министерства иностранных дел Узбекистана и России, работая в тесном сотрудничестве, координируют политические отношения между нашими странами, согласие на международной политической арене. Теперь появилась возможность и для обмена кадрами, совместного проведения научных исследований. Ибо оба этих университета, находясь в введении внешнеполитических ведомств в своих странах, готовят в основном специалистов для работы в сфере международных отношений и дипломатии. Стороны выразили уверенность в том, что сотрудничество этих учебных заведений даст ожидаемые результаты уже в ближайшем будущем.

**(УзА).**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

## ФАРМОНИ

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 10 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2001 йил
25 декабрдаги Фармонига
1-илова

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 10 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДА

### НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларини мустаҳкамлашга, давлатнинг мудофаа қудратини ҳар томонлама оширишга ҳисса қўшган шахслар, ўзининг юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, мамлакатнинг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун бўлган жанговар ҳаракатларда иштирок этган ва захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёхуд яраланган ва шикастланган ҳарбий хизматчилар тақдирланадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг буйруқлари асосида амалга оширилади.

3. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони номидан бригада командирлари ҳамда уларга тенглаштирилган ва юқори турувчи мансабдор шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

5. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони шахснинг вафотидан кейин унинг оиласида тегишли гувоҳнома билан бирга эсдалик сифатида саклаш учун қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2001 йил
25 декабрдаги Фармонига
2-илова

### ЭСДАЛИК НИШОНИ

### ТАВСИФИ

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томонида саккиз қиррали юлдуз фонида кесишаётган қиличлар билан қалқон акс эттирилган. Қалқонда ярим ой ва юлдузча тасвирланган. Қалқоннинг қуйи қисмида ҳилпираб турган лентага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигини ва юбилей санасини билдирувчи 1992—2002 рақамлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг доираси бўйлаб «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил» ёзуви мавжуд.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қавариқдир.

Эсдалик нишонининг қирралари ҳошияланган.

Эсдалик нишони эни 24 миллиметрли ҳаво ранг шойи муҳайяр тасма билан қопланган беш қиррали колодкага ҳалқача ёрдамида туташтирилади. Тасма эни 2 миллиметрли сариқ рангдаги йўллар билан ҳошияланган. Тасманинг ўртасидан бир-биридан эни 2 миллиметрли сариқ йўл билан ажралиб турадиган эни 3 миллиметрли иккита яшил рангли йўллар ўтган.

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**(Қўштирноқ ичидаги эсдалик нишони номининг ёзилиши ва нишон доирасидаги ёзувлар лотин имлоси асосидаги янги ўзбек алифбосида берилган).**

**● АЪЛО ХИЗМАТИМИЗ - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА!**



**Қашқадарёлик оддий аскар Арзимурод Лафасов Ватан ҳимоячилари кунини, Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг шонли 10 йиллигини жанговар, ижтимоий-сиёсий, жисмоний ва бошқа тайёргарликлар бўйича катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда қарши олмоқда. Уни сафдошлари аълочи мерган деб билишади.**

**Н. ЮСУПОВ** олган сурат.

# ЎҚЧИ АСКАР ЮТУҚЛАРИ

Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Дониёр Ваҳобов қишки ўқув мавсумининг аълочилари ҳақида гап кетганда катта лейтенант Жасур Махаматмуродов етакчилигидаги взвод шунқорларига алоҳида тўхталди. Улар қаторида оддий аскар Камолиддин Тўраев ҳам бор. Биз бу илғор посбон мисолида жамоа ютуқларини таҳлил этишга уриндик.

Авваламбор, аскарларда амалий кўникмалар шаклланган. Яъни, улар дала-ўқув машғулотларига катта эътибор қаратишади. Кичик командирларнинг аксарияти шартнома бўйича хизмат қиладилар. Аниқроғи, ўз соҳасини пухта билган профессионаллар. Тезкор ахборот, ижтимоий-сиёсий машғулотларга улкан аҳамият берилган. Ҳар бир соҳа посбонлари билан турли йиғинлар ўтказиб борилади. Масалан, ўқчи посбонлар, снайперлар билан ўтказилган ана шундай йиғинларни келтириб ўтиш мумкин. Ҳушёрлик, сергаклик, жанговар шайликнинг ошишида тез-тез сигнал бўйича ўқув тревогалари ўтказилиши муҳим. Хуллас, жанговар ютуқларга замин ҳозирланган. Камолиддин муддатли ҳарбий хизматининг дастлабки пайтларидаёқ интилиши, қатъияти билан ажралиб турганди. Мана бугун хизматининг ҳам бир йилдан ортиқ муддати ортда қолибди. Ўқчи аскар сарҳисоб қиламан деса, арзигулик ютуқлари кўп жанговар ҳаётида. Мана, яқинда бўлиб ўтган тактик ўқув машқини олайлик. Аскарнинг чекига ишғол қилиш гуруҳида ҳаракат қилиш тушди. Яъни у шартли душманнинг яшириниб олган снайперларини топиб, яксон қилиб, гуруҳнинг бошқа посбонларига йўл очиши лозим. Аниқ, эпчил ҳаракат қилган Камолиддин жанговар вазифани аъло даражада уддалади.

— Мана, муддатли ҳарбий хизматим давомида иккинчи бора Ватан ҳимоячилари кунини қарши олишим. Ҳар ҳолда ўтган йили тажрибам, кўникмам кам эди. Шу боис байрамга мақтанса арзигулик ютуқларим бўлмаган. Қуролли Кучларимизнинг 10 йиллигини эса улкан муваффақиятлар билан қаршилаяпмиз. Аввало, жамоа мавсумнинг биринчи ойиданоқ пешқадамлар сафида. Саф тайёргарлиги, тактик, ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда олдинги марралардамиз. Шу боис ҳам бу қутлуғ байрам шодиёналарида юзимиз ёруғ, — дейди оддий аскар К. Тўраев.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қисм командирининг байрам буйруғидаги рағбатлантирилган ҳарбий хизматчилар орасида оддий аскар К. Тўраев ҳам бор. Яъни буйруқ тайёрланаётган шу кунларда унинг ҳам номзоди кўрсатилган. Рағбат қандай бўлиши эса ҳозирча сир. Бу унча муҳим ҳам эмас, аслида. Гап посбоннинг юрти, халқи олдидаги бурчини ҳалол ўтаётганида.

**Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.**

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

# БАТАРЕЯ В ОБОРОНЕ

Бой в горах переменчив, и может случиться так, что в его ходе минометчикам придется не только вести огонь из основного оружия, но и огнем из автоматов отражать нападение противника.

...Прозвучала команда лейтенанта Д. Курбанова — и рядовые Максим Востриков и Михаил Сухов, на ходу снимая автоматы с плеча, бросились к рубежу открытия огня. Бежали зигзагом, чтобы сбить прицел у возможного противника.

Доклад о готовности к стрельбе, команда — и гулкое эхо разнеслось по полигону. Чтобы обеспечить максимальную точность попадания и высокую плотность огня, солдаты вели огонь очередями по два патрона.

Три раза поднимались мишени и три раза ложились, пораженные точными очередями.

— Молодцы,— похвалил руководитель стрельбы, выслушав доклад очередной смены,— все поразили с первой очереди!

Да, непросто вчерашним жителям столицы вскакивать по утрам, в считанные секунды заправлять постели, совершать марш-броски в полной боевой выкладке по горным склонам, но Максим и Михаил не сетуют на судьбу. Пока они несут службу в суровом горном краю, родной Ташкент может спать спокойно. Никакой злоумышленник не пройдет. Свой праздник — День защитников Родины — призванные из столицы воины встречают достойно.

**Рядовой Д. ФИЛИППОВ.**




Оддий аскар Айдар МАМЕДОВ:

— Референдум ўтказилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Мен яқинда ўтказилган Олий Мажлис сессияси материаллари билан, референдум қонун-қоидалари билан яхши танишиб чиқдим. Референдумда иштирок этиб, ўз овозимни беришга тайёрман.

Оддий аскар Усмон АЛЛАМБЕРГАНОВ:

— Мен ҳам овоз беришга тайёрман.

Н. ЮСУПОВ олган сурат.

# Биз ҳамиша аскарингмиз, она Ватан!

Аскар бўлган йигит бир умр ўша ҳаётини эсдан чиқармайди. Кексайиб қолган чоғларида ҳам ўша қайноқ йилларини фахр билан ёдга олади.

Айни кунларда Қуролли Кучларимиз сафида ўз йигитлик бурчини ўташаётган ўғлонларимизнинг аскарлик ҳаётида кейинги чоғларида қувонч билан ҳикоя қилиб юрса арзийдиган воқеалар кўп бўляпти. Мана, булар ҳақида уларнинг ўзлари нима дейишади.

**Оддий аскар Бахтиёр ҚУТЛИМУРОДОВ:**

— Агар бир бошидан айтадиган бўлсам, аскарлик ҳаётимдаги энг қувончли воқеа бу алоқачи касбига эга бўлганлигимдир. Мен сафдошларим қатори беш ой давомида ана шу касбни ўқиб, ўргандим. Бу касб бугун хизматимда асқотяпти. Эртага — ўз йигитлик бурчимни тамомлаб ота-онам бағрига қайтганимдан кейин ҳам бу касбнинг, албатта, фойдаси тегади.

Республикамизнинг турли бурчакларидан дўстлар орттирганимни айтмайсизми?! Сафдошларимнинг барчаси билан қалин дўст бўлиб кетганмиз. Бу дўстлик ришталари хизматимиздан кейин ҳам узилмайди.

Айни кунларда жанговар шайлигимни янада юксалтириш учун қишки мавсум ўқув машғулотларида сафдошларим қатори фаол иштирок этяпман.

Мени яна бир нарса жуда қувонтиради. Мен ва сафдошларим тарихий воқеаларга бой бир пайтда аскарлик бурчимизни ўтаяпмиз. Биз хизматимиз чоғида Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонладик. 14 январь куни Қуролли Кучларимизнинг ўн йиллик тўйи бўлади. Бундай қутлуғ дамлар ёддан чиқадими?!

Бугун мен Ватан ҳимоячилари сафидаман — аскарман. Хизмат муддатим тугагач, фуқаролик ҳаётим бошланади. Бироқ, мен шуни яхши биламанки, ҳамиша Ватаннинг аскариман.

**Оддий аскар Илҳом РУСТАМОВ:**

— Аскарлик ҳаётининг ўзига хос қийинчилик томонлари ҳам мавжуд. Бундан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Менга оғир дамларда елкадош бўлаётган сафдошларимдан, айниқса, катта лейтенант С. Обидов, шартнома бўйича хизмат катта сержанти Д. Азизовдан беҳад мамнунман.

Хизматларим яхши кетяпти. Баҳоли қудрат ўз бурчимни бажариб юрибман. Армия менга ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топишимда катта ёрдам бераяпти.

Мен радио алоқачиман. Бу борадаги билим ва маҳоратимни ошириш учун тинмай ўқиб, ўрганаяпман.

Мен бугун юрт посбониман. Огоҳлик ва ҳушёрлик вазифам эканлигини жуда яхши биламан. Аскарлик фаолиятим ҳаётимда ўчмас из қолдириб, хотирамга бир умрга муҳрланиб қолаяпти.

Ватан ҳимоячилари куни — Қуролли Кучларимизнинг ўн йиллигини аъло хизматларим билан кутиб олаяпман.

**Майор А. ОБРЎЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**(Жануби-Ғарбий округ).**

# ҚЎНГИЛДАГИДЕК НИШОНЛАЙМИЗ

Бизнинг подполковник Ҳабибулло Абулқосимов командирлигидаги алоқачилар қисми посбонлари ҳам Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш учун анчадан бери жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар. Айниқса, жанговар шайликни ошириш, барча тайёргарликлар бўйича янада юқори натижаларни қўлга киритиш учун аскарларимиз бор кучларини, билимларини аямасдан хизмат қилаяптилар, десак асло хато бўлмайди.

Табиийки, ушбу байрам қисмимизда катта тантаналар билан нишонланади, байрам дастурхони безатилади. Шунингдек, қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Нуриддин Авлаев бошчилигидаги қизиқарли спорт мусобақалари ўтказилиши аниқ. Ўшанда энг яхши спортчиларимиз аълочи аскарлар — У. Жаҳонов, Н. Усмоновлар миллий кураш бўйича, Д. Турсунов, Н. Қодиров, Б. Эшматовлар теннис бўйича, И. Рустамов, М. Тошматов, М. Сайдуллаевлар эса шахмат, шашка бўйича энг яхши натижаларни қўлга киритишларига ишончим комил.

Хуллас, Ватан ҳимоячилари кунини кўнгилдагидек нишонлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистонимизнинг барча аскарларини, офицерларини байрам билан табриклайман.

**Оддий аскар**
**Ш. МАТҚОСИМОВ.**

● В ШКОЛАХ ПОДГОТОВКИ СЕРЖАНТОВ

# НАЧНЕМ СНАЧАЛА

Еще месяц назад я и мои товарищи, военнослужащие контрактной службы, выполняли свои должностные обязанности в Нукусском гарнизоне. И вот мы вместе, в одном учебном подразделении, в школе подготовки сержантов Центрального военного округа. Курсанты И. Иванов, Б. Таннбергенов, У. Туреев, А. Абдурахманов и Б. Кошанов словно начали службу сначала: подъем, физическая зарядка, заправка коек, завтрак, учебные занятия...

Для подавляющего большинства начавших курс обучения будущих профессиональных сержантов все это — дело привычное. Кто отслужил срочную службу, кто уже не первый год в армии, а я, к примеру, сам всего месяц назад был заместителем командира группы на сборах молодого пополнения и учил новичков, призванных этой осенью в Вооруженные Силы, основам солдатской жизни.

О своем направлении в школу я и мои товарищи узнали буквально за два дня до отъезда, хотя добивались этого еще с весны, узнав о намечавшемся открытии школы подготовки сержантов. Почему мы так стремились сюда? Потому что понимаем, что в современных условиях мало быть просто хорошим исполнителем своих обязанностей. С переходом нашей армии на профессиональную основу сержанты будут играть в жизни каждого подразделения гораздо более значительную роль, и им требуется для этого обладать всеми необходимыми знаниями и навыками.

Мы понимали, что придется во многом пересмотреть свое отношение к освоению будущей специальности, ведь рядом будут профессионалы, досконально разбирающиеся в тонкостях военного дела, посвятившие свою жизнь делу защиты независимого Узбекистана. Однако даже те, кто искренне хотел повысить уровень своих знаний, не ожидал, что спрос здесь будет значительно больше, чем в старой «учебке».

С первых дней учебы мы убедились: нагрузки в школе подготовки сержантов нелегки, но и дает она очень много как в плане профессиональных и специальных знаний, так и в воспитании у курсантов чувства ответственности и гордости за право быть профессиональным военнослужащим в армии независимого Узбекистана. Нелегок путь к погонам младшего сержанта, но я и мои товарищи полны желания успешно пройти обучение, оправдать доверие командиров и начальников, направивших нас на учебу.

**Курсант В. КОСТЕНКО.**

